

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА АХБОРОТ БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШИ МОДЕЛИ**

Karshiyev Abror Amrullayevich

*Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали,
п.ф.д.(PhD),*

Ҳолматов Жавлон Юсупович

Эргашев Сирожиддин Бахтиёр Ўғли

Аннотация: *Мақолада мактаб ўқувчиларида ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш модели, ўқувчиларда ахборот компетентликни шакллантириш ҳақида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *компетентлик, ахборот компетентлик, ахборот-коммуникация технологиялари, лойиҳа усули, лойиҳа фаолияти.*

Инсон ҳаётига кириб келадиган ҳар қандай янгилик унда сергакликни, ҳаттоки норозиликни уйғотади. Шу маънода узоқ йиллар давомида анъанавий усуллар билан ишлаб келган педагоглар, бугунги куннинг ўзидаёқ такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари асосида ўқишларни талаб даражасида ташкил этишга қийналишлари табиий. Шунга кўра таълим жараёнида ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш моделини ишлаб чиқиш зарурати юзага келди. Мазкур модель фанга оид компетенцияларни шакллантириш, унинг структураси, ўзаро боғлиқлиги ва элементлари орасидаги ўзаро таъсир тўғрисида тасаввур қилишга ёрдам беради.

Моделлаштириш мақсади, умумий ўрта таълим ўқувчиларида фанга оид компетенцияларни қандай қилиб самарали шакллантириш тўғрисида умумий тасаввурларни ҳосил қилишдан иборат.

Модел - бу тасниф, схема, формула кўринишида шакллантирилган образ ёки тадқиқ қилинаётган объект (ҳодиса) га мос келадиган ва қайта тиклайдиган ёки унинг хоссаларини, структурасини ҳамда объект ёки ҳодисанинг ўзаро боғланган элементлари орасидаги муносабатларни акслантирадиган жисмоний конструкциядан иборат [1]. Таянч компетенцияларни ривожлантириш модели - бу ўқувчини тайёрлашдаги муваффақият эмас, балки кутилаётган натижа ҳисобланади. Моделнинг таърифи турли соҳа вакиллари, кўпгина олимлар томонидан турлича талқин қилинган. Масалан, тадқиқотчилардан Б.А.Глинский, А.Б.Горстко, Б.С.Грязнов, Б.Д.Дынин, Е.П.Никитин А.Н.Дахин [2:3] моделни худди “ўрганилаётган объект билан бир мунча мос келадиган (айнан ҳам эмас, мутлақо фарқли ҳам эмас) ва баъзи бир ҳолларда объектнинг ўрнига ўтадиган ҳамда тадқиқот жараёнида маълум даражада ахборот берадиган ва маълум қоидалар асосида моделлаштирилган объектга ўтадиган мустақил объект” деган таърифни берадилар.

В.П.Симонов, модель - бу “реал жараён ёки ҳодисани катталаштирилган ёки кичиклаштирилган кўринишда ёки компьютер ёрдамида виртуал борлиқ ҳолида унинг аналогининг қайта акс эттирилишидир” [1] деб таъкидлайди. Шундай қилиб, модел исталган тадқиқотнинг муҳим моментларини кўргазмали, олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган ҳолда акс эттиради.

Б.А.Глинский, Б.С.Грязнов, Б.Д.Дынин, Е.П.Никитин каби муаллифлар моделни қуйидагиларга бўладилар:

- 1) структурасига кўра (аслига ўхшаш, ичкаридан ташкил этиш билан);
- 2) функционал (аслига ўхшаб ўзини тутадиган);
- 3) субстанционал (жисмоний табиати хоссалари худди қаралаётган объект ёки ҳодисаникига ўхшаш);
- 4) аралаш (хусусиятлари, бир нечта моделга хос бўлган. Масалан, структурали-функционал).

Ўқувчиларда ахборот билан компетенциясини шакллантиришнинг методологик асосини компетенциявий, тизимли-фаолият ва шахсга йўналтирилган ёндашувлар ташкил этади.

Моделлаштириш умумий назарияси ва педагогик моделларнинг ўзига хослигига доир илмий ишлар таҳлили бизга қуйидагича хулоса чиқариш имконини берди: яратилган моделдан мактаб ўқув жараёнида ўқувчиларда ахборот компетенлигини ривожлантириш тайёрлаш жараёнида самарали фойдаланиш учун у оддийлик, ингерентлик, адекватлик каби шарт-шароитларга жавоб бериши зарур ва етарлидир.

Биз ўз тадқиқотимизда айнан структурали моделлаштиришни оламиз. Бизнинг назаримизда мазкур модель амалга оширилиш хусусиятига кўра идеалга киради ва мақсадни, принципларни, босқичларни, ёндашувларни, моделни амалга ошириш механизминини ҳамда педагогик шарт-шароитларни ўз ичига олган ҳолда эришиладиган натижани ва ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожланганлик даражасини акс эттирган, тартиблаган схемани ифода этади.

Биз томондан таклиф этилаётган модел умумий ўрта таълим ўқувчиларнинг аброт билан компетенциясини ривожлантириш бўйича тўла тасаввур беради. Мактаб ўқувчиларида ахборот билан ишлаш компетенлигини ривожлантириш жараёнини яхлит тасвирлаш учун замонавий таълим методлари воситалари асосида моделнинг таркибий қисмларини ишлаб чиқилди.

Мазкур моделнинг асосий элементи **мақсад** ҳисобланади. Таклиф этилаётган моделнинг мақсади, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида максимал даражада ўзини намоён қилиши орқали ахборот билан ишлаш компетенциясини юқори даражада ривожлантиришдан иборат иборат. Мақсад ўрганилаётган жараённинг асосий компоненти сифатида юзага чиқиб унинг тўлалигини таъминлайди ҳамда умумий ўрта таълим ўқувчиларнинг ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришга йўналтиради.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ечиш зарур бўлади:

- ўқувчиларда ўқув жараёнига қизиқиш, мотивациясини шакллантириш. Бу ўқувчининг ўрганаётган фанига (бизнинг тадқиқотимизда информатика ва ахборот технологиялари) нисбатан етарли даражада ахборот ҳажмига эга бўлиш эҳтиёжида намоён бўлади;

- ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

- ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқишнинг ошишига ёрдам берадиган комплекс шакл ва усуллардан фойдаланиш.

Электрон таълим муҳити шароитида интерактив таълим методлари воситалари ёрдамида ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенцияларни ривожлантиришга имкон берувчи педагогик шарт шароитларни асослашда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинди.

Биринчидан, замонавий мактаб ўқувчиларини инновацион фаолиятга йўналтириб таълимий фаолиятга тайёрлашда ўқув жараёнида ўқитувчилар ва ўқувчилар томонидан хал этиладиган ҳамда муҳокама қилинадиган ўқув масалаларни хал этишга асосланган ўқув жараёнидаги амалий компонентнинг роли, назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги кучайтирилади.

Иккинчидан, ўқувчиларни таълимий фаолиятга тайёрлаш улар инсонни ўраб турган муҳитни, инсон ҳаёти ва инновацион хулқ-атворини ўзгартирувчи омил сифатида қадриятларни эгаллаши керак.

Учинчидан, замонавий таълим методлари воситасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришда қулай инновацион таълим муҳити шароитида амалга ошириладиган янги мазмунларнинг пайдо бўлиши, муаммони хал қилишнинг ижодий усуллари асосида яратувчанлик ўзаро таъсирлашуви амалга оширилади. Бу ҳолат ўқувчиларни таълим жараёнининг барча босқичларида фаол позицияда субъект субъект ўзаро таъсирлашувига жалб этишни тақозо этади.

Тўртинчидан, педагогик шароитларнинг асосланиши ўқувчиларни мустақил индивидуал фаолиятга йўналтиришга имкон беради.

Бешинчидан, ўқув жараёнининг барча босқичларида ахборот-коммуникация технологияларидан замонавий ўқувчининг универсал воситаси сифатида фойдаланиш мустақилликка, муаммо ечимини танлашга ёрдам беради.

Таклиф қилинган педагогик шарт-шароитлар ўқув жараёнининг барча компонентларини (мақсад қўйиш, лойиҳалаш ва ташкил этиш, ўқув қўлланмалари мазмуни, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти, ташхислаш ва коррекциялаш) қамраб олади. Шунинг учун улар зарурий ва етарли ҳисобланади. Келтирилган педагогик шарт-шароитларни амалиётга жорий этиш ўқувчиларнинг ўрганилаётган ўқув фани мазмунига чуқурроқ “кириб боришини” таъминлайди ва у ўз навбатида уларнинг ахборот билан ишлаш компетенцияси даражасининг ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Семёнов А.Л. Роль информационных технологий в общем среднем образовании. М., 2000. – С.32.
2. Бермус, А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентного подхода в образовании // Новостной сайт «Эйдос» - <http://www.eidos.ru/journal/2005/0910-12.htm> (82)
3. Грук В.Ю. Формирование ключевых компетенций учащихся основной школы при организации исследовательских лабораторий на базе реального физического эксперимента: автореф ... дис. канд. пед. наук. – Москва, 2008. – 20 с.
4. Karshiyev A. A. The Structure Of Information Competence Of High School Students //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – С. 98-107.
5. Каршиев А. А. ЎҚУВЧИЛАРДА АХБОРОТ БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДАРАЖАВИЙ ТУЗИЛМАСИ //ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ. – 2021. – Т. 4. – №. 4.
6. Қаршиев А. МАКТАБ ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИСИНИГ АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИ ТУЗИЛМАСИ //Журнал математики и информатики. – 2020. – Т. 1. – №. 1.
7. Amrullayevich K. A., Mamatkulovich B. B. TALABALARDA AXBOROT BILAN ISHLASH KOMPETENSIYASINI SHAKILLANTIRISHDA DIDAKTIK VOSITALARINING METODIK XUSUSIYATLARIDAN FOYDALANISH //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 645-650.
8. Amrullayevich K. A., Obid o'g'li S. J. ELEKTRON TALIM MUHITIDA TALABALARDA AXBOROT BILAN ISHLASH KOMPETENTLIKNI SHAKLLANTIRISH //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 641-645.
9. Karshiyev A. A., Sobirovich E. G. INFORMATION FOR STUDENTS COMPETENCE DEVELOPMENT METHODOLOGICAL FEATURES //Thematics Journal of Education. – 2022. – Т. 7. – №. 3.
10. Karshiyev A. A., Mamatkulova U. E., Shobutayev Q. S. IMPLEMENTATION OF A QUALIMETRIC APPROACH IN MANAGING THE QUALITY OF EDUCATION OF STUDENTS OF A MODERN UNIVERSITY //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – Т. 7. – №. 12.
11. Қаршиев А. МАКТАБ ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИСИНИГ АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИ ТУЗИЛМАСИ //Журнал математики и информатики. – 2020. – Т. 1. – №. 1.
12. Каршиев А. А. ЎҚУВЧИЛАРДА АХБОРОТ БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДАРАЖАВИЙ ТУЗИЛМАСИ //ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ. – 2021. – Т. 4. – №. 4.
13. Қаршиев АА П. Ш. М. Глобаллашув жараёнида таълим сифатини таъминлаш ва унинг ўзига хос хусусиятлари //Интернаука»: научный журнал. – №. 44. – С. 126.

14. Bultakov Kamoliddin, & Kholmatov Javlon. (2022). HAND MOTION CLASSIFIER USING BIOMIMETIC PATTERN RECOGNITION WITH CONVOLUTIONAL NEURAL NETWORKS WITH A DYNAMIC THRESHOLD METHOD FOR MOTION EXTRACTION USING EF SENSORS. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 1(2), 282–285. Retrieved from
15. Бурнашев В., Холматов Ж. МАТЕМАТИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ГИДРОДИНАМИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ МНОГОФАЗНОЙ ФИЛЬТРАЦИИ В НЕФТЯНОМ ПЛАСТЕ ПРИ ЕГО ЗАВОДНЕНИИ //RESEARCH AND EDUCATION. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 137-154.
16. Фитратович В. и др. МАТЕМАТИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ МНОГОФАЗНОЙ ФИЛЬТРАЦИИ В НЕФТЕГАЗОВОМ ПЛАСТЕ ПРИ ЕГО ЗАВОДНЕНИИ //INTERNATIONAL CONFERENCES ON LEARNING AND TEACHING. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 520-525.
17. Amrullayevich K. A., Obid o'g'li S. J. ELEKTRON TALIM MUHITIDA TALABALARDA AXBOROT BILAN ISHLASH KOMPETENTLIKNI SHAKLLANTIRISH //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 641-645.
18. Doston M., Abdulatif S. SUN'IY INTELLEKT TEXNOLOGIYALARI VA ULARNI SOHALARDA QO 'LLANILISHI //Educational Research in Universal Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 144-147.
19. Ergashev S. B., Baxtiyor o'g'li E. S. DESIGN OF AUTOMATED ENTERPRISE INFORMATION SYSTEMS USING UML DIAGRAMS IN THE CREATION OF APPLICATIONS //Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 12. – С. 25-33.
20. Yusupbekov N. et al. EXERGET ANALYSIS OF ENERGY TECHNOLOGICAL INSTALLATIONS //InterConf. – 2021.
21. Obid o'g A. S. J. et al. Numpy Library Capabilities. Vectorized Calculation In Numpy Va Type Of Information //Eurasian Research Bulletin. – 2022. – Т. 15. – С. 132-137.
22. Obid o'g A. S. J. et al. Numpy Library Capabilities. Vectorized Calculation In Numpy Va Type Of Information //Eurasian Research Bulletin. – 2022. – Т. 15. – С. 132-137.
23. Tavboyev Sirojiddin Akhbutayevich, Mamaraimov Abror Kamoliddin ugli, and Karshibaev Nizomiddin Abdumalikovich, "Algorithms for Selecting the Contour Lines of Images Based on the Theory of Fuzzy Sets", TJET, vol. 15, pp. 31–40, Dec. 2022.
24. Тавбоев С. А. и др. НЕКОТОРЫЕ МЕТОДЫ И ЗАДАЧИ ЦИФРОВОЙ ОБРАБОТКИ И РАСПОЗНАВАНИЯ ИЗОБРАЖЕНИЙ //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 334-339.
25. Abdurahimovich A. A., Kamoliddin o'g'li M. A. SANOQ SISTEMALARIDA VAQT TUSHUNCHASI //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 331-334.

26. Қаршиев А. А., Пардаев Ш. М. КАЧЕСТВО ОБРАЗОВАНИЯ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ И ЕГО УНИКАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ // Интернаука. – 2019. – No 44-2. – С. 63-66.
27. Каршиев А. А. ЎҚУВЧИЛАРДА АХБОРОТ БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДАРАЖАВИЙ ТУЗИЛМАСИ //ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ. – 2021. – Т. 4. – №. 4.
28. Obid o'g A. S. J. et al. Numpy Library Capabilities. Vectorized Calculation In Numpy Va Type Of Information //Eurasian Research Bulletin. – 2022. – Т. 15. – С. 132-137.